

ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ОРҚАЛИ ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Дўстмуродов Санжар Холмурод ўғли

Аннотация: Мақолада жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали халқ орасида ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси, соҳасида жиноят ишларини кўриб чиқишда процессуал муддатлар ва оқилона муддат тушунчаларига тўхталиб ўтилган ва уларнинг бир биридан фарқи, аҳамияти ва “оқилона” муддат тушунчасининг чет эл давлатлари қонунчилигида акс эттирилганлиги уни миллий қонунчиликда акс эттириш аҳамиятлари муҳокама қилинган. Шунингдек амалдаги жиноят-процессуал кодексида мавжуд бўлган муддатлар билан боғлиқ муаммоларга таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жамият, халқ, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, қонуний манфаат

Жамиятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси орқали ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш

Ҳар бир давлат бор эканки ўзининг ҳуқуқ тизими ҳамда қонунларига эга. Барча шахслар давлат томонидан ўрнатилган ва у томонидан муҳофаза қилинадиган қонунларга бирдек амал қилиши, ўзга шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонуний манфаатларига зарар етказмасликлари лозим. Бу давлатнинг ривожланиши учун энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай қонундан четга чиқиш эса ҳуқуқбузарлик ёки жиноятни келтириб чиқаради. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда бевосита иштарок этувчи органлар, муассасалар ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитни аниқлаш бартараф этиш бўйича фаолиятнинг аввалини аҳоли орасида ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ташкил этади. Чунки ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш жараёни юзлаб, минглаб миллионлаб шахсларнинг онгига таъсир этиб уларда қонунларга ҳурмат руҳини шакллантириш, шахсий жавобгарлик ҳиссини уйғотиш, ватанпарварликка чорлаш ҳамда фуқарорлик жамиятини қуришга қаратилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақида

Профилактика сўзи латин тилидан олинган бўлиб олдини олувчи, сақловчи деган маъноларни англатади. Бундан келиб чиқадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тушунилади. Янада аниқ ҳуқуқий ҳуқуқий жавоб Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майда

қабул қилинган Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунининг¹ 3-моддасида келтириб ўтилган: “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берган шарт шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқкатартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими”.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини янада такомиллаштиришга оид кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинди. Аммо 2014-йил 14-майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонуни ушбу соҳада туб бурилиш бўлишига хизмат қилди. Чунки ушбу қонун қабул қилинган санага қадар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи ягона раҳбарий қонун ҳужжати йўқ эди. Қонунда илк бора ҳуқуқбузарликлар профилактикаси нима эканлиги, унинг принциплари, турлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Жамият - кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Жамият даги ҳамма нарса моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар ўз ичига оилавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир².

¹ 2014-йил 14-майда қабул қилинган Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунининг

² 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”

Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган.

Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзи нима деган саволга ойдинлик киритиб ўтамыз.

Ҳуқуқий онг – қисқача қилиб айтганда ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир. Бугунги кунда юртимизда барча жабҳаларда туб ўзгаришлар юз бераётган масъулиятли паллада ҳуқуқий тарбиянинг барча шакл ва усулларида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бериб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Бироқ фақатгина қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан кўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларида, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан фойдаланишимиз керак.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан аввало халқимизнинг ишонган давлат органи сифатида тан олинган Ички

ишлар вазирлиги тизимида хизмат фаолиятини олиб боровчи ходимларнинг шуғулланиб бориши сўзимизнинг яққол исботидир. Ҳар бир ходим хизмат фаолиятини олиб борар экан кун давомида кўп мартаба ушбу фаолият билан шуғулланади. Бу кундалик вазифа сифатида эътироф этилиб, ҳар бир ички ишлар органлари ходимларининг кун тартибига айланиб улгурган устувор вазифа ҳисобланади. Фаолиятнинг бевосита етакчилари сифатида Профилактика инспекторлари, Вояга етмаганлар ҳамда Ёшлар масалалари бўйича ишловчи инспектор-психологлар, Хотин қизлар масалари бўйича хизмат олиб бораётган инспекторларни эътироф этиш мумкин. Юридик фанлар доктори С.Б.Хўжақуловнинг фикрича “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қонунда берилган ваколатлар доирасида, соҳавий хизматлар имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда жасосат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдан иборат”

Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш жамиятда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни ошириш ғайриижтимоий саалбий ҳолатлар юзага келишини олдини олишни такомиллаштириш мақсадида асосан ёшлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш кераклигини таклифларини куйида кўриб ўтишимиз мумкин. Изох ўрнида шуни айтишимиз мумкинки республика аҳолисининг олтмиш фоизини ёшлар ташкил этганлиги ҳамда ахборот алмашинуви асосан ёшлар ўртасида кенг тарқалганини уларни ватанга муҳаббат ҳамда садоқат ркҳида тарбиялаш ҳамда ҳуқуқбузарлик, жиноят каби салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида эътиборнинг асосий қисмини ўшбу тоифага ёналтириш мақсадга мувофиқдир. Зеро ёшлар келажак давомчиларидир.

Шундан келиб чиқиб куйидаги таклифларини баён этамиз.

Аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш орқали фуқаролар онгида **«Жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!»** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларида кенг фойдаланиб, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш.

Таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари орасида ҳуқуқ фанидан республика миқёсида қуйидаги танловларни ташкил қилиш ва ўтказиш:

Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчилари ўртасида «**Ҳуқуқ — бу тўғрилиқдир**» мавзусидаги расмлар танловини ташкил қилиш;

Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «**Менинг ҳуқуқ ва мажбуриятларим**» республика кўрик-танловини ташкил этиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида «**Сиз қонунни биласизми?**» кўрик-танловини ташкил қилиш ҳамда танлов ғолибларини рағбатлантириш;

Олий таълим муассасаларида «**Ҳуқуқ билимдонлари**» кўрик танловини ташкил қилиш ва танлов ғолибларини рағбатлантириш.

Ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши мурасасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш.

Ёшларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, уларнинг онгида коррупциянинг жамият ва мамлакат равнақи учун ўта салбий иллат эканлигини тарғиб қилишга қаратилган ўқув материаллари тайёрланишини ташкил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси .Ўзбекистон Т 2022
2. Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекс.Ўзбекистон 2021
3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун 2014-йил 14-май
4. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони
5. Арипов А.Х Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита Т 2022
6. Абдувалиева Н и Арипова А 2021 /Культура обшения сотрудкиков ОВД
7. Одилқориев О Давлат ва ҳуқуқ назарияси /Дарслик .Ўзбекистон 2018
8. Б.Мусаев А.Артиков Б.Қосимов .Маъмурий ҳуқуқ дарслик / Т 2020
9. <http://www.my.gov.uz> <http://www.lex.uz>
10. <http://www.tsul.uz>